O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 4 ноябрь, № 215 (4878) Чоршанба



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

«Архив иши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н. Алимов тақдим этди. Таъкидладики, архив ҳужжатлари халқимизнинг маданий меросида салмоқли ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 та архив муассасаси, қарийб 7600 та идоравий архив мавжуд бўлиб, уларда юз миллиондан зиёд ҳужжат сақланмоқда. 1999 йилдан буён амалда бўлган «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз берганлиги муносабати билан такомиллаштиришни талаб қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бош архив бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига айлантирилди. Архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури, шунингдек, Архив ишини ва иш юритишни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари қабул қилинди. Давлат архивларини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан модернизациялаш чора-тадбирлари белгиланди. Шундай қилиб, архив иши тизимида сўнгги йилларда жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда ва улар амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши керак.

Қонун лойиҳасининг модда-ма-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар. Таъкидландики, қонун лойиҳаси Ўзбекистонда архив ишини янада ривожлантиришнинг ҳозирги кун талабларига ва истиқболларига тўлиқ мос келади. Депутатларнинг таклифларига кўра, қонун лойиҳасининг айрим моддаларига мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, айрим нормаларнинг таърифи аниқлаштирилди. Муҳокама чоғида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Х. Маматов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциясини ва Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар Миллий режасини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар вояга етмаганлар соғлиғи ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ноқулай шароитлардаги ишларда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланганлиги учун жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, ота-оналарнинг жавобгарлигини белгиловчи нормаларни миллий қонун ҳужжатларига киритиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳаси вояга етмаганларнинг меҳнати ҳақидаги ва улар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш берувчиларнинг жавобгарлигини ҳам кучайтиради.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

***Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасида ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалар иш бошлади. Саноатимизнинг уч йирик йўналишини қамраб олган "Кончилик ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2009", "Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia — 2009", "Металлургия, дастгоҳсозлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — МСА — 2009" халқаро кўргазмалари шулар жумласидандир.***



**Ҳамкорлик**

Мазкур йирик лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Анжуманнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиёт таркибий ўзгартирилаётгани, унинг етакчи тармоқлари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани туфайли бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири жиддий сезилмаяпти. Барқарор ўсиш суръатлари қайд этилмоқда. Марказий Осиё саноат ҳафталиги ҳам бунинг яққол далилидир. Негаки, кўргазмаларда кимё ва нефть кимёси саноати учун хом ашё ва ускуналар, лаборатория жиҳозлари ва лок-бўёқ маҳсулотлари, бурғилаш техникаси, юк ортиш ва ташиш машиналари, кончилик технологияларига оид кўплаб бўлимларда тармоқлар ютуқлари кенг намойиш этилмоқда. Айтиш жоизки, халқаро тадбир намойиш майдони бўлибгина қолмайди, балки ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижий ҳамкорлар топиб, музокараларга киришиш учун ҳам қулай имкониятни вужудга келтиради. Шу боис унга бўлган қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда. Саноат ҳафталигида Беларусь, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Эрон, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Финляндия, Чехия, Швейцария, Япония сингари дунёнинг 20 га яқин давлатидан 80 дан ортиқ компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётгани шундан далолат беради.

Марказий Осиё саноат ҳафталигида "Кончилик ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2009" халқаро кўргазмасига кенг ўрин берилган. Хусусан, "Навоий кон-металлургия комбинати", "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятлари тимсолида мамлакатимиз кончилик салоҳиятини кенг кўламда

(Давоми 2-бетда).

## САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

***Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасида Бельгия сайёҳлик компаниялари, "Эйр Балтик" авиакомпанияси ҳамда Бельгия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида "Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти" мавзуига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

**Биз ва дунё**

Тадбирда йиғилганлар эътиборига Ўзбекистонда сайёҳлик ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мамлакатнинг бой маънавий ва маданий мероси, ноёб тарихий обидалари, шунингдек, яқинда бўлиб ўтган XV Тошкент сайёҳлик ярмаркаси якунлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Учрашувда сўзга чиққан Бельгия сайёҳлик уюшмаси раиси М. Богарт хоним Ўзбекистон улкан туризм салоҳиятига эга бўлиб, у нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёнинг сайёҳлик марказларидан бири эканини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон туризмининг жозибадор жиҳатларидан бири шундаки, бу ерда хилма-хил сайёҳлик йўналишлари, жумладан, сўнгги пайтларда анча оммалашган мамлакатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини очиб берувчи экологик йўналишлар мавжуд.

— Ўзбекистон тарихий, маданий бойликларни асраб-авайлаш ва қадимий обидаларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш тадбирлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакатлар сирасига киради, — дейди "Антипод Вуаяж" сайёҳлик компанияси менежери М. Ламберт. — Шу маънода Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги тарихий-меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва уларни қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқдир.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

**4 ноябрь — ЮНЕСКО ташкил этилган кун**

*"ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз, энг аввало, сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз".*

**Ислом КАРИМОВ.**

## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ҳозирги глобаллашув жараёнида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб муаммо бўлиб турган бир пайтда йирик халқаро ташкилотларнинг ўрни ҳамда аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги халқаро муносабатларда фан, таълим ва маданиятнинг ишончли ҳимоячиси бўлмиш ЮНЕСКОнинг жаҳон ташкилотлари орасидаги обрў-эътибори ва нуфузи анча юқори ҳисобланади. 1946 йилнинг 4 ноябрида ташкил этилган ЮНЕСКО БМТнинг энг йирик таянчи ва қаноти десак, муболаға бўлмайди. Унинг айнан БМТ тузилганидан бир йил ўтиб, дунё юзини кўрганиёқ фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ташкилотнинг асосий мақсади жаҳон халқларининг фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлигини кенгайтириш асносида дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга таъсир кўрсатишдан иборатдир. Буни ЮНЕСКО дастурларидан ўрин олган қатор йўналишлар орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, жаҳон маданиятига, экологик тадқиқотлар учун халқаро илмий дастурлар тузишга кўмаклашиш, миллий маданиятларнинг рўёбга чиқишини қўллаб-қувватлаш, дунёвий мерос ҳисобланган бойликларни сақлаш ва кенгайтириш, шунингдек, ривожланаётган давлатларнинг коммуникация имкониятларини оширишга ёрдамлашиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиш каби кўплаб муҳим вазифаларга мазкур ташкилот устувор аҳамият қаратмоқда.

Маълумки, ЮНЕСКО Бош директори олти йил муддатга сайланади ва унинг ваколати фақат бир марта яна олти йилга узайтирилиши мумкин. ЮНЕСКОнинг ҳозирги Бош директори япониялик таниқли дипломат Коичиро Мацуурадир. Умуман, ЮНЕСКО ташкил этилганидан буён унга тўққиз киши Бош директор бўлган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб, 1993 йил 26 октябрда ЮНЕСКО билан дипломатик алоқалар ўрнатди ва шу кунга қадар унинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. "Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз", деган эди муҳтарам Президентимиз. Дарҳақиқат, ЮНЕСКО маънавий уйғониш ва юксалиш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий, маданий, илмий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб бераётган йирик ташкилотдир.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлганидан сўнг юртимизда ушбу ташкилот ишлари бўйича Республика Миллий комиссияси тузилди. Ўтган вақт давомида мамлакатимиз ЮНЕСКОнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Тарихий обидаларимиз, қадимий шаҳарларимиз, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой

(Давоми 2-бетда).



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Модернизация ва самара

***НАМАНГАН. Иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолган "Норин йигирув-тўқув" очиқ акциядорлик жамиятига инвестиция киритилгач, бу ердаги аҳвол ижобий томонга ўзгарди.***

Жумладан, Американинг "ENR Trade" компанияси эскириб қолган техника ва технологияларни тўлиқ янгилашга яқиндан ёрдам берди.

Пировардида корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланиб, 85 киши ўз иш жойига қайтди.

Ўтган қисқа муддатда корхона томонидан 390 тонна калава ип тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди. Тез орада норинлик ип йигирувчилар ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштиришмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Зарафшонда яна бир корхона

***НАВОИЙ. Зарафшон шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Омад-Бизнес-Зарафшон" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Ҳозирда бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 40 минг дона пишиқ ғишт ва 100 тонна оҳак ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса вилоятдаги қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳолини сифатли ва арзон қурилиш ашёлари билан таъминлашга хизмат қилаяпти.

Эътиборлиси, янги корхона фойдаланишга топширилиши билан 150 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Харидорини топаётган маҳсулот

***ЖИЗЗАХ. Тадбиркор Ойхумор Қўштоева бундан бир йил олдин банкдан олган кредити ҳисобига мактаб ўқувчилари учун дафтарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди.***

Яқинда у ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида хориждан янги технологиялар олиб келиб ўрнатди. Натижада корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури 20 тага етди. Айни пайтда бу ерда кунига 55 минг донагача канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Муҳими, 15 киши меҳнат қилаётган мазкур корхона маҳсулотлари сифатлилиги ҳамда нисбатан арзонлиги боис ички бозорда харидорларга манзур бўлмоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Кунига 500 дона шифер

***БУХОРО. Когон туманидаги "Бухоро темир-бетон" масъулияти чекланган жамияти қошида шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги технологик линия ишга туширилди.***

600 миллион сўм маблағ ҳисобига барпо этилган мазкур цех фаолият бошлаши билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда бу ерда бир кеча-кундузда 500 донагача шифер тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Айни кунларда "Бухоро темир-бетон" корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари тури ўн саккизтага етди. Бу эса вилоятда қурилиш хом ашёлари нархининг арзонлашишини таъминламоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми***
**15,8 фоизга кўпайди.**

Соҳада ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани, жумладан, жойларда аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилгани, хусусан, транспорт ва телекоммуникация тизими юксак суръатлар билан ривожланиши туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

аъзоси О. Охунова тақдим этди. Ҳужжат касбга оид мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида бошқа шахсларга ОИВ ва ОИТС касалликларини юқтирганлик учун жавобгарликни белгиловчи махсус нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритиш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар бундай қилмишларни аниқ белгилаш ва уларга баҳо беришни, шунингдек, фуқаролар соғлиғини ҳуқуқий жиҳатдан ишончли кафолатлашни ҳаётнинг ўзи талаб этаётганлигини таъкидладилар. Бундай қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги ва келтириб чиқарадиган оқибатларининг оғирлиги жиноий жавобгарлик белгилашни тақозо этди. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси А. Шукуров «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлар талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Муҳокама чоғида депутатлар мамлакатимизнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиш табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар олдини олиш, уларнинг оқибатларини камайтиришга доир ишларни кучайтириш имконини беришини таъкидладилар. Сўзга чиққанлар бундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилмаслиги туфайли келиб чиқаётган оқибатлар кўлами билан боғлиқ зарурат эканлиги устида тўхталиб ўтдилар.

Ҳужжатни кўриб чиқиш вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари баён этган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Маҳмудов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Асосий тушунчаларга, қимматли қоғозларни чиқариш шаклларига, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларига ўзгартишлар киритиш таклиф этилди.

Ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар ҳозирги вақтда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фақатгина очиқ акциядорлик жамиятлари корпоратив облигацияларни чиқариш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидладилар. Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги банкларга облигациялар чиқариш имконини берувчи нормаларни Қонунга киритиш мамлакатимизнинг молия-банк тизимини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Ҳужжатнинг айрим ҳуқуқий қоидаларини такомиллаштиришга доир билдирилган барча таклифларни эшитиб ва муҳокама қилиб, депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

(ЎзА).

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов кампанияларини ташкил этиш ва ўтказишнинг самарали, умумтан олинган халқаро тамойилларга мос меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди. Унда сайлов жараёнининг барча субъектларига тенг шарт-шароитлар яратилишига алоҳида аҳамият қаратилган.*

*Сайлов жараёни тизимида сайлов комиссиялари институти муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда сайлов комиссияларининг ноёб тизими қарор топган бўлиб, у мустақиллик йилларида катта тажриба орттирди ҳамда оммавий ахборот воситаларидан маълум бўлганидек, халқаро экспертлар ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмоқда.*

# САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг барча даражадаги сайлов комиссиялари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгесига, Халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига шу йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган сайловга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Муқобиллик, кўп партиявийлик асосида ўтказиладиган ушбу сайловда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминлашда сайлов комиссиялари алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги пайтга келиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 135 та округ сайлов комиссияси тузилган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида участка сайлов комиссияларини шакллантириш жараёни давом этмоқда. Шу муносабат билан уларнинг ташкил этилиши ва амалий фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларга алоҳида эътибор қаратишни истар эдик.

Сайлов комиссиялари сайлов жараёни устидан ташкилий раҳбарлик ва бошқарувни амалга оширади. Уларнинг вазифалари ва ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатасига сайловни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади ва ўтказади. Уларнинг фаолияти қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик тамойилларига асосланади. Ўз фаолиятида улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонунларга амал қиладилар.

Ўзбекистонда сайлов комиссияларини шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири демократлилик ва коллегиаллик ҳисобланади. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси камида ўн беш аъзодан иборат таркибда шакллантирилади, бу эса унинг коллегиаллигидан далолат беради. Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзод танлашга алоҳида эътибор қаратилади. Улар жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгашлари таклифига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси МСК аъзоларининг бир қисми доимий асосда фаолият юритади.

Марказий сайлов комиссиясига берилган ваколатларга кўра, у умумийлик ва сайловнинг тенглиги, яширин овоз бериш, адолатлилик, эркинлик ва очиқлик каби демократик тамойилларга амал қилинишини таъминлайди.

Сайлов ўтказилиши учун масъул бўлган бош орган Марказий сайлов комиссиясидир.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов бошланганлиги эълон қилингач, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганда раис, раис ўринбосари, котиби ва 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиясига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясида тасдиқлаш учун тавсия қилинади. Улар жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан сайланади.

Округ сайлов комиссияси — бу тегишли ҳудудда сайловни ўтказиш бўйича асосий ташкилий марказ бўлиб, у бутун округ ҳудудида сайлов тўғрисидаги қонун ижроси устидан назорат ўрнатади ва уларнинг бирдек қўлланилишини таъминлайди, сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзили кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

## Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

Бу ўринда сайлов комиссиялари тизимига кирувчи бирламчи ва муҳим бўғин — участка сайлов комиссиясига эътибор қаратиш лозим.

Қонунчиликка мувофиқ, участка сайлов комиссиялари сайловга камида қирқ кун қолганида тузилади. Улар туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан, округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайловчиларга ўз конституциявий ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш мақсадида зарур шарт-шароитларни яратиш учун сайлов участкалари одатда, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда, ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

Сайловни ўтказиш даврида сайловчилар рўйхатини ўз вақтида ва тўғри тузишга катта эътибор қаратилади, бунда айнан сайлов комиссияларига улкан масъулият юкланади. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёхуд вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишига, одатда, жамоатчилик вакилларини ҳам жалб этади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига сайловчилар рўйхатини тузиш учун тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида зарур маълумотларни берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш даврида участка сайлов комиссияларининг асосий вазифаси аҳолини сайловчилар рўйхати билан таништириш ҳисобланади, у сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, унинг тўғри тузилганлигини текшириш имконияти таъминланади. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатига нотўғри киритилгани ёки чиқарилгани, шунингдек, сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда йўл қўйилган хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Бу масала бўйича аризалар участка сайлов комиссияси томонидан одатда икки кунлик муддатда, сайлов арафасида ёки сайлов кунида зудлик билан кўриб чиқилиши, рўйхатга зарур тузатиш киритилиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилгани тўғрисида асосланган жавоб нусхаси берилиши шарт. Комиссия қарори устидан сайловдан камида уч кун аввал туман (шаҳар) судига шикоят аризасини бериши ва суд уни икки кунлик муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Туман (шаҳар) суди қарори узил-кесил ҳисобланади. Суд қарорига кўра, сайловчилар рўйхатига ўзгартиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.

Сайлов қонунчилигига сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор ўзгартишлар киритилди. Хусусан, киритилган моддага кўра, участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосарига овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани эълон қилиш, ушбу баённомани участка сайлов комиссияси биносида умум танишиб чиқиши учун камида 48 соатлик муддатга осиб қўйиш мажбурияти юкланган.

Мустақил Ўзбекистонда сайловни ўтказиш тажрибаси ва мамлакатимизда амал қилувчи сайлов қонунчилиги бўлажак сайловнинг демократиклиги ва самарадорлигини кафолатлайди. Шубҳасиз, ушбу сайлов Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлади.

**Матлуба МАХАМЕТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

меросига ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнига ЮНЕСКОда қизиқиш катта.

1995 йили ЮНЕСКОнинг "Ипак йўли — мулоқот йўли" дастури доирасида Самарқандда минтақамиз цивилизациялари тарихини ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари институти очилди. Эътиборлиси, Ўзбекистон Республикаси 1997 йилда илк бор, жорий йилда эса иккинчи марта ЮНЕСКОнинг олий раҳбарлик органи — Ижроия Кенгаши аъзолигига сайланди. Бу ҳам ўзаро ҳамкорликка берилган муносиб баҳо ва мамлакатимиз нуфузининг эътирофидир.

ЮНЕСКО раҳбарлигида ва у билан яқин ҳамкорликда республикамизда кўплаб маданий-маърифий, илмий-амалий тадбирлар ўтказилиб, самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Абу Мансур Мотуридий каби буюк бобокалонларимизнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон, Тошкент шаҳарларининг, "Алпомиш" достони, "Авесто" ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланганлиги барчамизни қувонтиради, албатта.

Юртимизда ташкил этиладиган қатор илмий-маданий анжуманларда, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида ҳам ЮНЕСКО вакиллари қатнашишади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси мазкур ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, айрим йирик байрамлар Ўзбекистон билан бирга ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида ҳам ўтказилади.

Президентимиз 1996 йилнинг апрелида Франция диёрига ташрифи чоғида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида бўлиб, Ижроия Кенгаши аъзолари билан учрашди, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида, хусусан, "Темурийлар даврида илм-фан ва маданият тараққиёти" номли халқаро кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамаддунига қўшган ҳиссасининг ўзига хос эътирофи бўлди. Жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Май ойида эса пойтахтимиз ва унинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида Тошкентнинг тутган беқиёс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалардан, шу жумладан, ЮНЕСКО билан дўстона ҳамкорликдан асосий мақсади — мамлакатимизни, бой тарихимизни, халқимизнинг маънавий юксаклигини ва энг муҳими, мустақил ташқи сиёсатимизни дунёга, халқаро жамоатчиликка, дунё ҳамжамиятига кўрсата олишдир. Президентимиз Ислом Каримов бу масала хусусида тўхталар экан, бир тарихий ҳақиқатни эслатиш орқали ажойиб ғояни илгари сурган эди: "Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этяпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди".

Юксак умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва ўрганиш, миллатлараро ва динлараро дўстлик ва тотувликни таъминлаш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги улкан хизматлари учун давлатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг икки олий нишони — Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда "Боробудур" олтин медаллари билан тақдирланган. Бу барчамизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу тариқа Ўзбекистон — ЮНЕСКО алоқалари ривожланиб борар экан, бу ҳамкорлик келгусида ҳам маърифат ва эзгулик элчиси тимсолида жаҳон халқларига, дунё тинчлиги ва барқарорлигига муносиб улуш қўшаверади.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# САНОАТ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

намойиш этмоқдалар. Ўз навбатида, дунёга машҳур хориж компаниялари ўзларининг қудратли техникаларини таклиф қилишяпти. Россиянинг "Барс-сервис" компанияси — шулардан бири.

— Компаниямизга 1992 йилда асос солинган, — дейди "Барс-сервис"нинг Бош директори Игорь Молдавский. — Шу давр мобайнида кончилик, темир йўл ва металлургия тармоқлари учун техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик ҳамда Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилишга улгурдик. Юртингизда саноатнинг кончилик тармоғи жадал ривожланаётгани боис кўргазмада бурғилаш, қазиш техникалари ва кўплаб ускуналар билан иштирок этаяпмиз.

Кейинги йилларда, маълумки, Ўзбекистон машинасозлик саноати жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олди. Бунга янги қувватларнинг ишга туширилаётгани, ишлаб чиқариш модернизация қилинаётгани эвазига эришилаяпти. 2009 йилнинг 9 ойида тармоқда 13 та объект фойдаланишга топширилгани бунинг яққол далилидир.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган "Металлургия, дастгоҳсозлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — МСА — 2009" халқаро кўргазмаси эса тармоқлараро алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, металлургия учун зарур техникалар, машинасозлик учун эҳтиёт қисмлар ҳамда бутловчи буюмлар маҳаллий ва хориж компаниялари томонидан кенг ҳажмда таклиф этилаяпти.

Айтиш мумкинки, "Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia Uzbekistan — 2009" халқаро кўргазмасига ажратилган бўлим, айниқса, иштирокчилар билан гавжум. Бу ерга келганлар кимё тармоғидан ташқари, унга алоқадор ва турдош йўналишлар ривожи ҳақида етарли маълумотга эга бўладилар. Нега деганда, "Ўзкимёсаноат" ДАК тизимидаги корхоналар маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар, техника ва ускуналарни тақдим этишмоқда.

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим, — дейди Эроннинг "SINA" компанияси савдо ишлари бўйича директори Салеҳ Меҳди. — Унинг иқтисодий салоҳияти юқорилигидан хабарим бор. Аммо гапнинг очиғи, мамлакатингизда кимё саноати бу даражада жадал ривожланаётганини билмас эканман. Кўргазмада бунга гувоҳ бўлиб, ҳайратда қолдим. Бизнинг компаниямиз бевосита шу тизимга тааллуқли эканлиги боис унинг мураккаблигини яхши биламан. Шу маънода, кўргазма ўзаро тажриба алмашиш, тенг шериклик алоқаларини ўрнатишда қўл келади, албатта.

Саноатнинг йирик тармоқларини бирлаштирган Марказий Осиё саноат ҳафталиги маҳаллий ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашишдек эзгу мақсадларни кўзлаган. Биринчи кун натижалари бунга эришиш мумкинлигидан далолат бермоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# «ШИРИНЛИК» МАҲСУЛОТЛАРИ — ЖАҲОНГА

***Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технология асосида қайта ишлаб, ташқи бозорга чиқараётган корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Тўрақўрғондаги "Ширинлик" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси маҳсулотларининг юз фоизи экспорт қилинаётгани бунинг исботидир.***

Мазкур корхона йилига 10 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Бундан ташқари, бу ерда дуккакли экинлар ва ёнғоққа ишлов бериш ҳам йўлга қўйилган. Чунки бозорда ана шу маҳсулотларга талаб юқори, хом ашё эса бисёрдир. Уларни тумандаги шахсий томорқа эгалари, фермер хўжаликлари етказиб бермоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида минг тоннадан зиёд булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар қуритилиб, 200 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижий буюртмачиларга жўнатилди. Бунда, табиийки, 9 та агрофирмага уюшган юзлаб фермер хўжаликларига аввалдан бўнак пули берилгани муҳим аҳамият касб этаяпти.

Қувонарлиси, "Ширинлик"да бозор талаби асосида ишлаб чиқаришни модернизациялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда мавжуд линияларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Буюк Британиядан 1520 минг АҚШ долларилик ускуналар сотиб олинди. Унинг аввалгиларидан афзаллиги шундаки, хом ашёни ювиб-тозалаш, арчиш, қадоқлаш юмушларини бир йўла амалга оширади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, янги ускуналар тўлиқ ўрнатилгач, маҳсулот сифати, унинг қадоқланиши, дизайни бутунлай ўзгаради. Энг муҳими, меҳнат унумдорлиги ортиб, экспорт салоҳияти юксалади: йилига 15 миллион АҚШ долларилик маҳсулот чет давлатларга сотилади.

## Интилиш

— Корхонамиз тумандаги йирик жамоалардан ҳисобланади, — дейди "Ширинлик" раҳбари Миразим Одилов. — Мавсум қизғин тус олган паллада бу ерда ишловчилар сони 550-600 кишига етиши шундан далолатдир. Уларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида иссиқ овқат тайёрлаш, транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Ҳар бир кишининг ўртача маоши 150 минг сўмдан ошяпти. Модернизациялаш тадбирлари ниҳоясига етганидан сўнг ишчилар сони яна юз нафарга кўпаяди.

Қўшма корхона жамоасининг нияти катта. Улар йил охиригача 12 минг тонна хом ашёни қайта ишлаб, қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулотни экспорт қилишни мўлжаллашмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***166 минг аҳоли истиқомат қиладиган Жарқўрғон туманида 42 минг хонадон бор. Уларнинг 16 минги хонадон соҳиблари — ёшлар. Ёш оилалар. Туманнинг бош меъмори Абдуғани Холмирзаевнинг айтишича, шинам ва замонавий уй-жойларда яшаш кўпчиликнинг эзгу орзуси бўлиб келаётган эди.***

# ШАҲАРГА БЎЙЛАШГАН ҚИШЛОҚЛАР

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини қишлоқ ёшлари ўзлари учун навбатдаги катта ғамхўрлик сифатида қабул қилдилар. Муҳими, қарор қабул қилинганининг эртасигаёқ уни ижро этишга киришилди: сентябрь ойи ўрталарида "Ўзэкспомарказ" мажмуида қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма, чин маънода, қурувчилардан тортиб, буюртмачию мижозларнинг амалий мулоқот майдонига айланди. Жойларда "Қишлоққурилишлойиҳа" институти, "Қишлоқ қурилиш банк", "Қишлоққурилишинвест" инжиниринг компаниялари тизимлари шакллантирилди.

## Қарор ва ижро

Хўш, бу борада уй қуриладиган жойларнинг ўзида нима ишлар қилинмоқда?

— Йил охирига қадар "Ғур-ғур" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қўрғонча типидаги 25 та уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади, — дейди А. Холмирзаев. — Қурилиш ўринлари аниқланди. Дастлабки техник кўрсаткичлар таҳлил этилиб, пудратчилар билан фикрлашувлар ўтказилмоқда. Дастурга асосан, бу — вилоятимизда қад ростлайдиган дастлабки намунавий шаҳарча бўлади. Шаҳарча хонадонлари тоза ичимлик суви, табиий газ, бошқа коммуникация тизимлари билан таъминланади.

Лойиҳада, табиийки, қишлоқнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган. Уй ойнаванд айвонли қилиб, энг замонавий услубда қурилади. Масалан, 5 хонали уй кенг ва баҳаво меҳмонхонадан, ётоқ, дам олиш хоналаридан иборат бўлади. Болалар учун қўшимча шароитлар яратиш кўзда тутилган. Уй қошида, албатта, томорқа учун ер ажратилади.

Қурилиш — бугунги ва эртанги масалаларни ҳозирнинг ўзида чамбарчас боғлаб олиб боришни тақозо этадиган юмуш. Масалан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши қурилажак уйларнинг соҳибларини аниқлаштириш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

— Мен янги қурилган қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди Ғур-ғур маҳалласида яшовчи Нигора Жабборова. — Қишлоғимизда замонавий уй-жойлар қурилиши ҳақидаги янгиликни эшитиб, хурсанд бўлдим. Унинг баҳоси, мижозни кредит билан таъминлаш тартиблари бизга маъқул. Шу боис ана шундай шинам ва замонавий уйга эгалик қилиш ниятида биз ҳам ариза бердик. Мактабимиз, шифохонамиз, йўлларимиз, бозорларимиз обод. Энди янги уй-жойлар қурилсами, қишлоғимиз шаҳарлардан қолишмайди. Бу ғамхўрликлардан миннатдорчилигимизнинг поёни йўқ.

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг Жарқўрғон тумани филиали бошқарувчиси Азамат Алланазаров билан суҳбатимиз ҳам шу мароқли мавзуга қўшимча бўлди. Янги уйларга харидорларни кредитлаш учун маблағ етарли. Хайрли ишга қисман банкнинг ўз маблағларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Янги тизим қишлоқларни фаровонлаштириш, нафақат замонавий уй-жойлар, айни пайтда кўплаб иш ўринлари яратишга ҳам камарбаста бўлади.

Туманда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида иккита ғишт заводи модернизация қилиняпти. Шлакоблок, томёпқич, шифер, оҳак ишлаб чиқариш учун кичик технологияларни ўрнатиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қурилиш жамоаларининг моддий-техникавий имкониятларини ошириш чоралари кўрилмоқда. Яқин келажакда деярли ҳар бир қишлоқ маҳалласида шинам шаҳарчалар қад ростлайди. Одамларимиз, айниқса, ёшларимиз фойдаланишга тайёр ҳолда топширилган обод, кўркам уйларда истиқомат қиладилар.

Дарвоқе, Сурхондарё вилоятининг яна икки туманида — Термизнинг Лимонзор ва Шерободнинг Янги ер қишлоқларида ҳам ҳар бирида йигирматадан қўрғон типидаги уй-жойлар қурилишига киришилмоқда. Яқин келгусида кўплаб ўтказилажак уй тўйлари, шубҳасиз, ҳамманинг қувончига қувонч қўшади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Покистон ҳукумати мамлакатдаги "Толибон" жангарилар гуруҳининг 19 нафар аъзоси ҳақида маълумот берган одам мукофотланишини маълум қилди.***

### Хабарнинг суюнчиси бор

Бу ҳақда маҳаллий нашрлардан бирида хабар тарқатилган. Манбага кўра, тўданинг янги етакчиси Ҳакимулла Меҳсуд ҳамда террорчилар тайёрлашга бош-қошлик қилаётган Вали ур-Раҳмон ҳақида асосли маълумот келтирган кишига 600 минг АҚШ доллари берилади. Расмий Исломободнинг билдиришича, ушбу мақсадлар учун беш миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

### Ёмғир келтирган талафот

***Бразилияда кузатилаётган кучли ёғингарчилик мамлакатнинг Жануби-шарқий минтақаларида катта талафотларни келтириб чиқармоқда.***

Жумладан, ноқулай обҳаво сабаб Эспирита-Санта штатидаги 27 та шаҳарда вайронагарчиликлар юз берган, тўрт киши ҳалок бўлган. Бундан ташқари, ҳудуддаги иккита катта магистраль йўл яроқсиз ҳолга келиб қолган. Қарийб беш минг нафар киши бошпанасиз қолган бўлса, яна 629 минг нафар одам ёрдамга муҳтожлиги айтилмоқда.

### Товон пули талаб қилмоқчи

***Ҳинд океанининг Австралияга яқин қирғоқларида Таиланднинг "PTT Exploration & Production" нефть компаниясига тегишли платформа ёниб кетган.***

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, фалокат нефть маҳсулотларини йиғиштириб олиш чоғида юз берган. Оқибатда 28 минг баррелдан кўпроқ "қора олтин" уммонга тўкилиб кетган. Шу боис Австралия ҳукумати атроф-муҳитга етказилган зарар учун товон пули талаб қилинишини билдирган.

### 101 килограммли таом

***АҚШнинг Нью-Гемпшир штатидаги Конкорд шаҳрида дунёдаги энг катта фрикаделька тайёрланди, дейилади "Ассошэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида.***

Таомнинг оғирлиги 101 килограммга тенг. Айни пайтда мазкур натижа Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун махсус комиссияга тақдим этилган.

Эслатиб ўтамиз, бу борадаги аввалги рекорд бир ой муқаддам Лос-Анжелесда қайд этилганди. Ўшанда пазандалар 90 килограммлик фрикаделька пиширишга муваффақ бўлишганди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

MIKROKREDITBANK

***Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизими фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида молия муассасалари нафақат барқарор ишлаяпти, балки уларга аҳолининг ишончи ҳам тобора ортиб бораётир. Буни "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.***



# САРМОЯЛАР — ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Таъкидлаш керакки, айни пайтда "Сармоялар — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" шиори остида фаолият юритаётган мазкур филиал жамоаси томонидан диққатга сазовор ишлар бажарилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, активлар ҳажмининг ўсишида, да-



ромад ва кредит портфелининг ошишида, энг асосийси, мижозлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йил тўққиз ойида филиал мижозлари 12423 тага етди. Олинган фойда ҳажми 101 миллион 210 минг сўмни ташкил этиб, режа 153 фоизга уддаланди.

Маълумки, сўнгги йилларда "электрон ҳамён" дея эътироф этилаётган пластик карточка кундалик муомала воситаси сифатида ҳаётимизга чуқур сингиб, улардан фойдаланувчилар ҳам, терминаллар мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам кўпайиб бораётир. Филиал томонидан 2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида корхона ва ташкилотларга жами 120 дона терминал ўрнатилиб, 2 миллиард 427 миллион сўмлик маблағ пластик карточкалар ҳисоб рақамларига ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида банк кассаларига жами 12 миллиард 521 миллион 183 минг сўм нақд пул келиб тушган бўлса, амалдаги йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 14 миллиард 421 миллион 570 минг сўмдан ортди.

Молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда омонатларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун банклар томонидан аҳолига бир қатор қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган кўплаб омонатлар тақдим этилаяптики, натижада омонатчилар сафи тобора кенгаймоқда. Хусусан, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки 25 дан ортиқ турли мақсад ва йўналишдаги жозибадор омонатлар тақдим этмоқда. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда, айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралда имзоланган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони талаблари муҳим аҳамият касб этмоқда. Банкнинг Фарғона вилояти филиали жорий йилнинг тўққиз ойи ичида ўзининг омонатларига 5 миллиард 970 миллион сўм миқдорида маблағ жалб қилгани шундан далолат беради.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири — бу оз миқдордаги сармоя билан катта яратувчилик ишларини бошлаган мижозлар сонини кўпайтиришдир. Шу маънода, айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида банкнинг фақатгина жисмоний шахслар учун ажратган микрокредитлари миқдори 5 фоиздан 20 фоизгача кўпайгани, кичик корхоналарга берилган микрокредитлар ҳажми эса 37 фоиздан 55 фоизга ошгани диққатга сазовордир.

Умуман, жорий йилнинг тўққиз ойида филиал томонидан ҳар икки тармоқ вакилларига ажратилган кредитлар миқдори 25 миллиард 123 миллион сўмга етди. Ушбу маблағлар иқтисодиётнинг барча тармоқларига йўналтирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш учун 347 миллион 700

### Молия муассасаларида

минг сўм миқдорида кредит берилди. Бунинг натижасида вилоятдаги кўплаб тадбиркорлик субъектлари ишни ривожлантириш баробарида, йилнинг ҳар фаслида аҳолини сархил мева-сабзавотлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишаётир. Масалан, Тошлоқ туманилик якка тартибдаги тадбиркор Зоҳирбек Содиқов банкнинг 1 миллион 400 минг сўмлик, Сўх туманида фаолият кўрсатаётган "Ҳаётхони Машҳури Сўхи" хусусий корхонаси 11 миллион 200 минг сўмлик, Риштон туманидаги "Орифжон Нуриддин ери" фермер хўжалиги 28 миллион сўмлик маблағ эвазига иссиқхона қуриб, уларда турли-туман маҳсулотлар етиштиришмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, оилавий бизнес ва касаначиликни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи филиал жамоасининг диққат марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан турли соҳа вакилларига жами 2 миллиард 121 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилгани бунга мисол бўла олади.

Юртимизда ёшларга жуда катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳаммага аён. Уларнинг ўқиб-ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу борада молиявий муассасалар ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Мисол учун, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятдаги кўплаб ёш оилалар уйларини янги жиҳозлар билан бойитдилар. Ана шундай мижозлардан бири — Фарғона шаҳрида яшовчи Шаҳло Турсиматовадир. У банк ажратган 6 миллион сўм миқдоридаги маблағ ҳисобига уй жиҳозлари ва мебель тўплами сотиб олган бўлса, боғдодлик Ахтамжон Меҳмонов 816 минг сўмлик кредитга музлаткич ва телевизор харид қилди.



Филиал томонидан, шунингдек, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация сингари кўплаб хизмат турларини ривожлантириш, ушбу йўналишда ташкил этилаётган янги корхоналарни техник жиҳозлаш мақсадларига имтиёзли кредитлар берилаяпти. Жумладан, ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган 140 миллион сўмлик маблағ ҳисобига 525 та янги иш ўрни яратилган бўлса, 2009 йилнинг уч чорагида бу кўрсаткич 466 миллион сўмдан ошиб кетди.

Шу билан бирга, ўтган даврда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 миллиард 247 миллион сўмлик кредит ажратилди. Пировардида вилоятда каштачилик, зардўзлик сингари хотин-қизларгагина хос бўлган тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилдики, бу уларнинг уйда меҳнат қилишлари учун катта имкониятлар яратиб берди. Шу ўринда "Фарғона Гавҳари" хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Исломбекованинг савдо соҳасини кенгайтириш учун банкдан 41 миллион сўмлик лизинг, "Паробайт Би Плюс" кичик корхонаси раҳбари Шоҳида Нуриддинованинг 25 миллион сўмлик микролизинг эвазига қўшимча 40 нафар маҳаллий ёшни доимий иш билан таъминлаганини айтиб ўтиш кифоя.

Қисқа қилиб айтганда, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали жамоаси "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида аҳолига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса бу борадаги ишлар, айниқса, ўз самарасини бераётир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Товар сертифицирован

Теперь и в лизинг

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах




КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz


***Пойтахтимиздаги катталар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқарадиган "NUR-RAVSHAN" масъулияти чекланган жамиятида янги маҳсулот — ортопедик пойабзал тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.***

### МАХСУС ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган ушбу корхонада мамлакатимиздаги "Чирчиқкимёсаноат" акциядорлик жамияти, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати сингари бир қатор йирик корхоналар учун махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Маҳсулот сифатлилиги ва арзонлиги боис буюртмачиларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан қўшимча иш ўринлари ҳам очилди.

**М. ҲАБИБУЛЛАЕВА.**


"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- $5 м^3$/соатдан $500 м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраҳа.



ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

Товар сертифицирован
Форма оплаты — любая

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru







Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш муассасаларининг комплекс эксплуатацияси бошқармасининг бошлиғи Баҳодир Эргашевга волидаи муҳтарамаси

**Шарофат РАСУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси компания ижроия аппаратининг Нефть ва газ конларини ишлатиш бўлими бош мутахассиси

**Амир Алиевич МАҚСУДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

